



O'ZBEKISTON OVOZI

● 2015-yil, 20-oktabr. Seshanba ● 124 (32.027)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

● 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

● www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 19 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан шу йил 16 январда республика Ҳукуматининг мажлисида белгилаб берилган 2015 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини таҳлил қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари ҳамда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш, саноат тармоқларини техник янгилаш ва диверсификациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадвал ривожлантириш, шу асосда мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардорлигини ошириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорларидаги мавқеини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини, турмуши сифати ва даражасини ошириш масалалари ҳам мажлис қатнашчиларининг диққат-эътибори марказида бўлди.

Бугунги кунда бутун жаҳонда ривожланишнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган машҳур беш тамойилга асосланган чуқур ва пухта ўйланган стратегияни изчил ва аниқ мақсадни қўзлаб амалга ошириш туфайли жаҳонда давом этаётган иқтисодий инқирозга қарамай, Ўзбекистонда макроеқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланаётганлиги қайд этилди. Мамлакатимиз бугунги кунда иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлар орасида жаҳонда бешинчи ўринни эгаллаб турганлиги ва бу халқаро ҳамжамият ва халқаро молия институтлари томонидан муносиб равишда юқори баҳоланмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи якунлари бўйича мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,0 фоизга ўсди. Давлат бюджетини профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ошмади.

▶ Давоми 3-бетда.

■ 21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДАГИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



Гуллола Иброҳимова Фарғона шаҳридаги 10-мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беради. У машғулотларни давлат таълим стандартларига асосланган ҳолда, эркин мулоқотлар, оғзаки ва ёзма нутқ таҳлили ҳамда интерфаол усулларида олиб боради. Бугунги кунда ўзбек тили ва адабиёти фанининг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳалари бўйича тажриба-

синови айнан шу мактабда ўтказилмоқда.

— Мақсадимиз она тилимиз жозибасини ўқувчиларга чуқурроқ аниқлаштириш, унинг имкониятларини тўла очиб бериш ва замонавий тараққиёт жараёнини инобатга олиб янада ривожлантиришдир, — дейди Гуллола Иброҳимова. — Бунинг учун мактабларимизда барча шарт-шароитлар яратилган.

Фидойи муаллим Гуллола Иброҳимова ЎзХДП аъзоси, партияимиз гоҳларининг фаол тарғиботчиси.

Мазкур мактабда ўзбек тили ва адабиёти тўғрисида ишлаб турибди, унинг қатнашчилари шаҳар, вилоят миқёсида ўтказилаётган билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида ғолиб чиқмоқда.

Суратда: Гуллола Иброҳимова ўқувчилари билан. Муҳимжон Қодиров олган сурат.

Партияимизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастурига кўра, жорий йилнинг 6 ойи давомида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан 156 масала партия гуруҳларида, 55 масала доимий комиссияларда, 25 масала сессияларда муҳокама қилинди.

Сирдарё вилоятида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳлари томонидан 5 масала партия гуруҳларида, 2 масала доимий комиссия йиғилишларида кўриб чиқилди.

! САВОЛ ВА ЖАВОБ

Моҳира Каримова,
ўқитувчи:

— Олмасор туманида яшайман. Худудимиздаги сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига Ўзбекистон ХДП вакили Маҳаммаджон Зуфаров депутат этиб сайланган. Депутат тез-тез учрашувлар ўтказиб, аҳоли билан суҳбатда бўлади. Яқинда ана шундай учрашувлардан сўнг менда бир савол туғилди. Депутатнинг сайловчилар билан олиб борадиган ишлари қонунчиликда қай тартибда белгиланган?



Кимё Шокирова,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар
Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи
аъзоси:

— Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисидаги қонунда депутатнинг сайловчилар билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан олиб борадиган ишлари белгиланган.

Унга мувофиқ, тегишли халқ депутатлари Кенгашининг депутати ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан алоқа боғлаб туради, тегишли

халқ депутатлари Кенгашида уларнинг манфаатларини ифода этади.

Қонунчиликда депутат зиммасига сайловчилар муносабатлари билан ишлаш боради ҳам алоҳида вазифалар юклатилган. Масалан, у ўзига сайловчилардан тушган муносабатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, фуқароларни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Яна бир энг муҳим жиҳати, депутат вақти-вақти билан сайловчиларга ўз фаолияти тўғрисида ахборот бериб бориши керак. Бу йилда қаида икки марта бўлиши лозим.

Сайловчилар билан олиб борадиган ишлар учун депутатга тегишли халқ депутатлари Кенгашининг регламентида белгиланган тартибда муайян кунлар ажратилади ва бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Икки этувчи ҳокимият органлари депутатнинг илтимосига кўра, биро ажратилишини ташкил этади ҳамда депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва ҳақида сайловчиларга хабар беради.

■ ЎЗХДПДА СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

Тарғибот ишларини янада кучайтириш зарур

Сиёсий партия фаолиятини тарғиботсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Партия гоёси, дастурий вазифалари, депутатлари фаолияти ҳақида жамоатчиликка тезкор ва таҳлилий ахборот бериш долзарб аҳамиятга эга. Соддароқ қилиб айтганда, тарғибот

орқали сиёсий куч тўғрисида одамлар фикри шаклланади. Бу борада сиёсий партиянинг энг ишончли таянчи оммавий ахборот воситалари ҳисобланади.

▶ Давоми 2-бетда.

■ БУНЁДҚОРИК

Истироҳат боғи

фойдаланишга топширилди

Вазирлар Маҳкамасининг 2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат базасининг моддий-техник базасининг мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Денов туманидаги Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғида кенг қўламли бунёдқорлик, кўламли ривожлантириш ишлари бажарилди.

Ушбу масканда минг тупдан ортиқ мева ва манзарали дарахлар экилди. Шунингдек, давлат бюджетидан 109 миллион сўм маблағ ажратилиб, ёзги концерт зали барпо этилди. Нурунийлар чойхонаси капитал таъмирланди. Ўттизга яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохчаси бунёд этилиб, ишга туширилди.

— Бугунгача қарийб 57,5 минг АҚШ доллари ва 682

миллион сўмлик 20 га яқин турли аттракционлар келтирилди, — дейди Маданият ва истироҳат боғи директори Абдусаттор Саидов. — Янги мажмуа иш бошлаши билан 24 нафар кишининг бандлиги таъминланди. Йил охиригача яна 12 иш ўрни ташкил қилиш кўзда тутилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янгиликлар,
Бунёдқорликлар,
Хабарлар...

Тиббиёт маркази таъмирланмоқда

Хоразм вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида катта ҳажмдаги бунёдқорлик ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўтган 2014 йилда 1,5 миллиард сўмлик, қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Тиббиёт марказининг барча даволаш бинолари реконструкция қилиниб, ошкона ҳамда жарроҳлик бўлими биноси янгидан қурилди. 2016 йилда ҳам марказ ҳудудини обodonлаштириш ва кўламли ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилади. Шу билан бирга, марказга энг сўнгги русумдаги тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилмоқда. Бугунги кунга қадар 16 турдаги тиббиёт жиҳозлари олиб келиниб ўрнатилди.

Марказ мукамал таъмирлангандан сўнг бу ерда пульмонология, нефрология, ортопедия, неонтология, гастроэнтерология каби янги бўлимлар очилиши режалаштирилмоқда.

Бандлик дастури — амалда

Самарқанд шаҳрида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 2332 нафар хотин-қиз, 4727 нафар ёш, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари иш ўрнига эга бўлди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлигининг «Зарафшон» газетаси сайти хабар бермоқда.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрининг саноат салоҳиятини ошириш мақсадида 43 лойиҳа амалга оширилиб, 3877,0 минг АҚШ доллари миқдорига чет эл инвестициялари ўзлаштирилди. Бунинг натижасида эса яна 808 янги иш ўрни яратилди.

Куз-қиш мавсумига

пўхта ҳозирлик
кўрилмоқда

Наманган вилоятида 2015-2016 йил куз-қиш мавсуми учун жорий йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида 16,1 минг тонна картошка, 20,6 минг тонна сабзавот, 7,1 минг тонна мева, 4,1 минг тонна полиз, 4,1 минг тонна гуруч, 1,6 минг тонна дуккакли дон, жами 53,7 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жамғариш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг кўмир брикетлари ишлаб чиқариш ва сотишни комплекс ташкил этиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда 10 дан ортиқ кўмир брикети ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, «Водий имкон савдо ишлаб чиқариш» масъулияти чекланган жамиятида кунига 80 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Шу кунга қадар халқ таълими, ўрта махсус ва соғлиқни сақлаш муассасалари куз-қиш мавсумига тайёр ҳолга келтирилди. Бу ҳақда Наманган вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Насрўз ШОДМОНҚУЛОВ
тайёрлади.

www.uzbekistonovozi.uz

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Ёшларимизни «оммавий
маданият» таъсиридан
пасрайлик



■ Навоий вилоятида
ЎзХДП Жамоатчилик
қабулхоналари қандай
фаолият юритяпти?

■ ЎзХДПда СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

Тарғибот ишларини янада кучайтириш зарур

Бугун, айниқса, партия матбуоти орқали депутатларнинг фаолияти ва ташаббусларини доимий равишда ёритиб бориш, партия етакчиларининг таҳлилий-танқидий руҳдаги материалларини кўпайтириш муҳим вазифа бўлиб турибди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан пойтахтимиздаги «Билим» ахборот-кутубхона марказида ўтказилган ўқув-семинарда асосан шу масала юзасидан фикр алмашилди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар партия кенгаши фаоллари иштирок этди. Семинарда партия дастурий мақсадлари тарғиботини янада кучайтириш, замонавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш масалалари атрофида муҳокама этилди.

— Аҳолининг сиёсий партия ва депутатлар ҳақидаги тасаввурини шакллантириш кўп жиҳатдан тарғиботга боғлиқ, — деди «Билим» ахборот-кутубхона маркази директори, ЎзХДП фаоли Хафиза КАРИМОВА. — Шу боис ОАВда ёритилаётган материалларда жойлардаги ижтимоий масалаларга партия қандай муносабат билдираётгани, камчиликларни ҳал этиш борасида қандай ташаббуслар билан чиқаятгани аниқ кўрсатилиши лозим. Бунинг учун умумий мазмундаги тадбирлардан қочиш, тарғибот таъсирчанлигини кучайтириш ҳақида ўйлаш лозим.

Шунингдек, биз партиянинг мазмундаги тадбирлардан қочиш, тарғибот таъсирчанлигини кучайтириш ҳақида ўйлаш лозим.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

■ ЎзХДП ДЕПУТАТЛАРИ ҲАҚИДА

Депутат эл-юрт хизматида бўлиши керак

Бугун ижро ҳокимияти устидан вакиллик ҳокимияти назоратини кучайтириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар ролини ошириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу бежизга эмас, албатта. Депутат халқ вакили ҳисобланади, одамларнинг ислохотларга муносабати, таклиф ва мулоҳазалари асосида иш кўради. Демак, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда депутатлар ўз фаолиятини кучайтириши, зиммасидаги масъулиятни чуқур англаши давр тақозосига айланди.

Очиги, мавзуга қўл уришдан олдин анча пайт халқ депутатлари Самарканд вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлари фаолиятини кузатиб бордим. Партия гуруҳи ташаббуси билан назорат-таҳлил тартибидея ўрганилаётган масалалар, аҳоли муносабатлари билан ишлаш, депутатлик сўрови имкониятларидан фойдаланиш масалалари билан танишдим.

Депутатлар сайловчилардан тушадиган таклиф ва мулоҳазалар кўп ҳолларда электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви таъминоти янада яхшилаш масаласи билан боғлиқ экани ҳақида гапиришди. Муносабатларни ўрганиш ва масалани ўз вақтида ечиш борасида тўпланган тажрибага тўхталишди.

Масалан, 23-Қорадарё сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Марям Ниёзова сўй-ҳаракати билан Каттакўрғон туманининг sanoat ҳудудига газ таъминоти ях-



Фаруқ АЛИЕВ олган сурат.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз керак. Бугун фуқаролар оммавий ахборот воситаларига фақат ахборот олиш манбаи сифатида эмас, балки ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи восита нуктаи назаридан муносабат билдиришмоқда. Умуман олганда, кишиларда ўз шахсий фикри ва муносабатини эркин ифода этиш истиги кучайиб бораётган. Демак, мана шундай муҳим паллада партияимизнинг нуфузини оширишга ҳаракат қилиши керак. Фаолларимиз ва депутатлар партияимиз матбуоти — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари орқали мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа-ҳодисалар юзасидан фаол муносабат билдириши зарур, деб ўйлайман.

Бугун мамлакатимизда

Оммавий ахборот воситалари, хусусан, партия нашрлари депутатлар ва сайловчиларнинг доимий минбарига айланиши керак. Ҳар бир ўқувчи газетадан фойдали маълумот олиниши истайди. Бунинг учун ОАВ билан доимий ва тезкор алоқани ушлаб туриш, партия ҳаётидаги муҳим воқеаларни тезкорлик билан ёритиш талаб этиляпти.

ОАВ сони 1400 га етди, кўплаб веб-сайтлар фаолият юритмоқда. Тарғибот ишларини кучайтиришда уларнинг имкониятларидан умумий фойдаланиш яхши самара беради.

— Ҳар бир партия аъзосини мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардан ўз вақтида хабардор этиш долзарб масаладир, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Алишер РАВШАНОВ. — Шу маънода, биз аъзолар билан ишлаш, уларнинг сиёсий ҳуқуқий билимини оширишга жиддий эътибор беришимиз керак. Бунинг учун уларнинг кўнглидаги гапларни тинглаш; партия ва депутатлар фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликда тўлиқ тасаввур уйғотиш зарур.

Бир нарсани тан олиш кер-

рак, кейинги пайтларда партияимиз нашрларида депутатлар ва етакчиларнинг таҳлилий мақолалари нисбатан кўпайди. Аммо депутатлар ва партия етакчиларининг ҳаммаси ҳам партияимиз нашрлари имкониятидан самарали фойдаланмаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири ўз ичимиз ва ташаббусларимиз мазмун-моҳиятини тарғибот қилишнинг аҳамиятига етарли эътибор беролмаётганимизда, деб биламан. Бу масалага маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз алоҳида аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқдир.

Менимча, оммавий ахборот воситалари, хусусан, партия нашрлари депутатлар ва сайловчиларнинг доимий минбарига айланиши керак. Ҳар бир ўқувчи газетадан фойдали маълумот олиниши истайди. Бунинг учун ОАВ билан доимий ва тезкор алоқани ушлаб туриш, партия ҳаётидаги муҳим воқеаларни тезкорлик билан ёритиш талаб этиляпти.

Семинарда, шунингдек, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Нигора Эшметова мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Семинарда билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, тарғибот ишларини янада жонлантириш, мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш бўйича муҳим вазифалар белгиланг олинди.

Зиллола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Ҳар бир сиёсий партиянинг таянчи бошланғич ташкилот экани тажрибадан ўтган ҳақиқатдир. Аҳоли ўртасида доимий ишлайдиган, унинг муаммоларини ўрганиб, таклифларини юқори партия ташкилотлари ва депутатларга етказадиган асосий бўлин ҳам бошланғич ташкилот ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бошланғич партия ташкилоти ташаббуси

туман Кенгашининг доимий комиссияси ва сессиясида кўриб чиқилди

Бугунги кунда вилоятда партияимизнинг 31906 мингдан зиёд аъзосини бирлаштирган 883 бошланғич ташкилот электротар орасида кенг қамровли тарғибот ишларини олиб бормоқда. Партия аъзоларининг ҳуқуқий-сиёсий билимини оширишга қаратилган сиёсий ўқув машғулоти, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Айниқса, партияимизнинг Охангарон туман кенгашидаги 62 бошланғич ташкилот Ўзбекистон ХДП гояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, унинг нуфузини ошириш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Масалан, «Қўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳудудий партия ташкилоти фаолиятини олайлик. Бу ерда партияимизнинг 70 нафар аъзоси бор. Унга Салтанат Шадарова етакчилик қилиб келмоқда. Етакчини туманда ташаббусдор, ишнинг қўлини билладиган, аҳолининг дарди билан яшайдиган инсон сифатида қадрлашди. У маҳалла, таълим муассасалари, қорхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказишда бош-қош бўлмоқда. Натижада партияимиз гоялари тарғиботи изчил олиб бориляпти, аъзоларимиз сафи кенгаймоқда.

— Бошланғич партия ташкилотимиз аъзоларининг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади, — дейди Салтанат ШАДАРОВА. — Бундан кўриниб турибдики, хотин-қизларнинг мамлакатимиздаги демократик ислохотлар жараёнида фаоллиги ошиб бормоқда. Бошланғич партия ташкилотимизда ҳафтанинг ҳар пайшанба, шанба кунлари сиёсий ўқувлар ўтказилади. Ўтган вақт мобайнида мазкур семинарларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган муҳим воқеалар, партияимизнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳақида манфаатларини ҳимоялаш мавзулари кенг муҳокама қилинди.

Яна бир гап. «Қўрғон» ҳудудий партия ташкилотидея Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Мазкур қабулхонага ҳар кўни муносабат бўлади. БПТ депутатлар кўмагида уларнинг ечимини топиш бўйича тегишли ташкилотларга муносабат билан чиқяпти. Масалан, яқинда Жамоатчилик қабулхонасига Охангарон педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт касб-хунар коллежини тамомлаган Мадина Эшимова ҳамда Моҳирун Абдусаломова ишга жойлашиш масаласида ёрдам сўраб муносабат қилган. Мазкур масала бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ёрдамида тез орада ҳал этилди, битирувчилар ҳудуддаги 23-сон мактабгача таълим муассасасига ишга жойлашадиган бўлди.

— Туманимизда бандликни таъминлаш имкониятлари кўп, — дейди етакчи. — Масалан, ҳудуддаги умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари асосида ишга қабул қилишни изчил йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Кўпчиликка маълумки, одамларни ишлатишга ишлатиб, аммо улар билан меҳнат шартномаси тузмайдиган, меҳнат дафтарчасини қўймайдиган овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари оз эмас. Ушбу масалада туман Кенгашидаги партияимиз гуруҳига муносабат қилдик. Масала халқ депутатлари Охангарон туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди. Натижада умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича тавсиялар, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Меҳрож ДАРХОНОВ

■ «ФАРФОНААЗОТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ ЭНГ ЙИРИК БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДАН БИРИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ. БУ ЕРДА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН 527 НАФАР ЎЗБЕКИСТОН ХДП АЪЗОСИ ҚОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚУВВАТИНИ ОШИРИШГА МУНОСИБ ХИССА ҚўШИБ КЕЛМОҚДА.



■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИ ПАРЛАМЕНТДАГИ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТОРАТ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШ УЧУН ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДА.

